

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 8 январь, № 4 (5678) Сешанба

## Улкан муваффақиятлар, истиқболли режалар

Сурур

*2012 йил — мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида яна бир ёрқин из қолдирди. Ҳар бир соҳада катта муваффақиятларга эришилди. Муҳими, турмушимиз янада яхшиланди. Шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига қараб, кўнглингиз равшан тортади. Чунончи, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табриги айнан ана шу ютуқ ва марраларнинг юксак эътирофи бўлди. Ушбу табрикдаги сўзларга жавобан таҳририятимизга турли касб эгаларидан дил сўзлари битилган мактублар келиши давом этмоқда.*

### Кексалари эъзозланган юрт

Мамлакатимизда кексаларга кўрсатилаётган эҳтиром, ғамхўрлик шу қадар беқиёски, бунинг таърифини айтиб тугатиб бўлмайди. Хусусан, биз, нуронийлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилавий шароитини яхшилаш учун ҳар йили давлатимиз томонидан миллиард-миллиард сўмлик маблағлар ажратилмоқда. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус шифо масканлари, сиҳатгоҳлар хизматимизда. Қаерга бормайлик, давраларнинг тўри — бизники, ҳурматимиз жойида. Бу эса умримизга умр қўшаяпти. Бир мисол: мустақиллик йилларида Ўзбекистонда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга узайибди. Хўш, бу нимaнинг далолати?

Албатта, тинчлик-тотувлик, фаровонлик, ҳамжиҳатлик, тўкинлик бор жойдагина одамлар узоқ умр кўради, бахтиёр яшайди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон — бетакрор диёр

*Мамлакатимизда барча соҳалар қатори туризм ҳам изчил ривожланмоқда. Юртимизнинг бетакрор табиати, кўҳна маданият ёдгорликлари, замонавий бунёдкорлик дурдоналарини томоша қилиш иштиёқида ошиқаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани фикримиз тасдиғидир. Уларнинг орасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган меҳмонлар борлиги янада қувонарлидир.*

Фахр

Яқинда Мустақиллик майдонидан ўтаётиб, юртимизга ана шундай ҳавас ила келган бир гуруҳ сайёҳлар билан учрашиб қолдик. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти кекса отахону онахонлар эди. Ён-атрофга ҳайрат-ла боқаётган сайёҳларга бир аёл киши нималарнидир тўлқинланиб сўзлаб борарди. Аста яқинлашдик. Йўл бошловчи ҳамроҳларига Ўзбекистон ҳақида инглиз тилида шунақанги тўлиб-тошиб ҳикоя қиларди-ки, буни фақат мириқиб тинглаш мумкин эди. Аввалига биз уни маҳаллий туристик фирма вакили бўлса керак, деб ўйладик. Аммо у билан танишганимиздан сўнг янглишганимизни англадик. Сабаби...

— Жанет Гилморман, — деди у. — Австралиянинг Сидней шаҳридан келдим. Ўша ердаги “Венди Ву Тоурс” сайёҳлик компаниясида менежер бўлиб ишлайман. Биласизми, ҳамюртларимиз орасида Ўзбекистонга қизиқиш йил сайин ошиб бормоқда. Буни келиб тушаётган буюртмалар сонидан ҳам билиб олса бўлади. Масалан, бу гал бир гуруҳ кекса мижозларимиз бизга мурожаат қилганда, қатор йўналишларни таклиф этдик. Қарангки, уларнинг барчаси бир овоздан “Самарқандга йўл” дея номланган лойиҳамизни танлашди. Бундан ўзим ҳам беғоят хурсанд бўлиб кетдим. Чунки доим Ўзбекистонга келишни интиқлик билан кутаман. Бу ернинг ҳавоси, табиати ўзгача, тарихий шаҳарлари, у ердаги обидалар мафтункор. Одамларининг самимийлигини айтмайсизми, меҳмон келса, дарров қувониб, ҳурмат кўрсатади.



(Давоми 2-бетда).

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# Осойишталигимизнинг мустаҳкам кафолати

***Шу кунларда юртимизнинг барча жойларида Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 21 йиллигини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида ҳам ана шундай байрамона кайфият ҳукм сурмоқда.***





Таъкидлаш жоизки, мазкур Академия зиммасига малакали офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ҳарбий соҳадаги илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш каби вазифалар юкланган.

Таълим муассасаси ўзига билдирилган ана шу ишончни оқлаб, Қуролли Кучларимизга етук, стратегик фикрлай оладиган ҳамда юксак интеллектуал салоҳиятли офицер кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Тинчлик ва осойишталик посбонларининг бекаму кўст билим олишлари учун ушбу даргоҳда барча шарт-шароит яратиб берилган. Машғулотлар ўз соҳасининг тажрибали мутахассислари ва республикамиздаги олий таълим муассасаларининг кўзга кўринган педагоглари томонидан олиб борилади.

— Академиямизда тингловчиларнинг ҳарбий, маънавий-маърифий билимлари савиясини оширишга катта аҳамият берилади, — дейди Қуролли Кучлар Академиясининг масъул ходими, подполковник Мансур Мўминов. — Бунда ҳарб илми ва умуман, таълим тизимининг замонавий ютуқларидан унумли фойдаланмоқдамиз. Энг сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция воситалари, тренажёр мажмуалари ҳамда тизимлари бу борадаги самарадорликни оширишга пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## Хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес – ободлик гарови

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, 2012 йилда оила, биринчи навбатда, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалаларга устувор аҳамият берилди. Дарҳақиқат, Мустаҳкам оила йилида оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиб, муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, оилалар фаровонлиги ва даромад манбаларини ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилиши ҳисобига эса 40 мингга яқин иш ўринлари яратилди.

(Давоми 2-бетда).

Дил сўзи

*Кўплаб муваффақияту зафарларга тўлиқ бўлган яна бир йилни ортда қолдирдик. Ўтган йилимиз мамлакатимиз ҳаётида ҳам, шахсий ҳаётимизда ҳам ғоят ёрқин из қолдирди, десак, янглишмаган бўламиз.*

## Ташаббусларимиз қўллаб-қувватланмоқда

Бир неча йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман. Танлаган соҳамнинг тадбиркорликнинг бошқа турларидан фарқи шундаки, тол новдаларидан рўзғор учун зарур бўлган буюмлар тўқийман. Дастлаб ишни нон ва нознеъматлар солинадиган саватлар, келинлар учун сарпо қутилари тўқишдан бошлаган эдим. Сафимга қизлар ва келинларим қўшилди. Шундай қилиб фаолиятимиз кенгайди, оиламиздагиларнинг барчаси иш билан таъминланиб, рўзғоримизга барака кирди.

Изланишлар самараси ўлароқ, Мустаҳкам оила йилида новдадан тебранма ором курсилари, стол-стул жамланмаси тўқишни ҳам йўлга қўйдик. “Ташаббус” кўрик-танловидаги иштирокимиз бизга кенг имкониятлар эшигини очди. Ушбу танловда маҳсулотларимиз юқори баҳо олиб, “Энг яхши тадбиркор аёл” номинациясида ғолиб бўлдим.

(Давоми 2-бетда).

### Юқори сифат — юксалиш омили

***ФАРҒОНА.** Бувайда туманидаги “Losgigantes Textiles” қўшма корхонаси маҳсулотлари хорижликлар эътиборига ҳам тушиб улгурди.*

Бунда 2011 йили корхонага Швеция, Италия, Германия давлатларидан келтириб ўрнатилган сўнгги русумдаги технологиялар қўл келди. Натижада маҳсулотлар тури кўпайиб, жамоа аъзолари сони 200 нафарга етди. Ҳозир бу ерда кунига 10-12 тонна атрофида пахта хом ашёси қайта ишланмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, корхона маҳсулотлари хорижлик буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Жамоа саъй-ҳаракати билан ўтган йилда 462 минг АҚШ долларилик экспорт амалиётлари бажарилгани бунинг тасдиғидир.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР КЎПАЙМОҚДА

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

*2012 йилда мамлакатимиз миқёсида*

**9,3**

***миллион квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Биргина мана шу рақам одамларимиз ҳаёти янада фаровонлашиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти янада юксалаётганидан далолат беради.

Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Айни пайтда вилоятда фаолият юритаётган 6100 дан зиёд фермер хўжаликлари орасида “кўп тармоқли хўжалик” мақомига эришганлари талайгина. Юқори Чирчиқ туманидаги “Маҳмудбек” фермер хўжалиги ҳам ана шулардан бири.*

### Кўп тармоқли фаолият

Яқинда бу ерда ихчам ва замонавий минитехнология асосида сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган цех фаолияти йўлга қўйилди. Корхона хўжалик маблағи ҳамда банкнинг молиявий кўмаги асосида илғор технологик линия ҳамда қадоқлаш ускуналари билан жиҳозланди. Йилига 400 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга мазкур цехда ҳозир 20 га яқин қишлоқ ёшларининг бандлиги таъминланди.

Эътиборлиси, шу йўналишдаги корхоналар томонидан ўтган йилда 10 минг тонна табиий ва шифобахш неъмат қайта ишланди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Эътироф

*Дзюдо бўйича ёзги Олимпиада ўйинларининг икки карра бронза медали соҳиби Ришод Собиров 2012 йил якунларига кўра, 60 кг. вазн тоифасида Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтингида биринчи ўринни эгаллади.*

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**. Беруний туманилик тадбиркор Навбаҳор Абилова учун Обод турмуш йили омадли бошланди.*

### Замонавий мажмуа

Гап шундаки, қишлоқ аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида у Янги йил арафасида тумандаги Махтумқули номидаги овул фуқаролар йиғинида “Санжарбек-Акбарбек” замонавий савдо мажмуасини бунёд этиб, фойдаланишга топширганди.

— Ушбу лойиҳани рўёбга чиқаришда банкнинг 30 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаландим, — дейди тадбиркор аёл. — Энди қишлоқ аҳолиси бу ерда тикувчилик, сартарошхона, дорихона, гўзаллик салони каби ўнлаб хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Муҳими, 10 та доимий иш ўрни ташкил этдик.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот

***СУРХОНДАРЁ.** Бойсун туманида фаолият юритаётган “Марат Максим” хусусий корхонаси жамоаси томонидан қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун бетон блоклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа банкнинг 50 миллион сўмлик кредити ҳисобига амалга оширилди.*

— Бу орқали 10 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди, — дейди корхона раҳбари Ҳаким Пўлатов. — Маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаб чиқаришни ташкил этганимиз маҳсулотларимизнинг нисбатан арзонлигини таъминламоқда.

Ўтган йили вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредит маблағларининг 30 миллиард сўмдан зиёди қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик корхоналарни модернизациялашга йўналтирилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон — бетакрор диёр



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу пайт ёнимизда суҳбатимизга қулоқ солиб кетаётган онахон билан отахон гурунгимизга қўшилди.

— Ижозат берсангиз, мен ҳам таассуротларим билан ўртоқлашсам, — дейди улардан бири. — Барб Эдвард, Канберраданман. Юртингизга биринчи бор келишим. Умрим бино бўлиб, бундай гўзал диёрни кўрмаганман. Самарқанд, Бухоро... Одам ўзини худди эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис қиларкан. Бу шаҳарларда меҳмонлар учун яратилган шароитлар ҳам ажойиб.

Айниқса, тандирдан энди узилган иссиққина нонларингизнинг таъми оғизда, хуш бўйи димоғимда қолди.

Пойтахтингиз ҳақида алоҳида гапиришни истардим. Тошкент нафақат замонавий қиёфаси ва инфратузилмаси, балки кўҳна обидалари билан ҳам киши диққатини ўзига тортади. Табиат мусаффолиги, аҳоли соғлиғини асраб-авайлашда катта ўрин тутадиган атроф-муҳитни тоза кислород билан таъминловчи дарахтлар ҳамда буталар экилган хиёбонларни-ку асти қўяверасиз. Ботаника ва экологияга қизиққаним учун буларнинг аҳамиятини яхши биламан. Пойтахтингиз бу жиҳатлари билан дунёнинг маман деган мегаполисларидан ортиқ бўлса, ортиқки, асло кам эмас.

Ўша пайтда Эдвард хонимнинг она-Ватанимиз ҳақида худди шу диёр фарзандидек тўлқинланиб сўзлаётганини бир кўрсангиз эди.

— Халқингизнинг меҳмондўстлиги, самимияти ва бағрикенглиги кўнглимизни тоғдек кўтариб, бизга чексиз руҳий қувват бахш этди, — деди у алоҳида урғу билан. — Саёҳат қиламан десанг, мана шундай бир умрга эсингда қоладиган Ўзбекистон деган жаннатмонанд жойга боргин экан. Кексалик сурурини сураман десанг, инсоний фазилатлар қадрланадиган Ўзбекистонда яшагин экан. Шунинг учун ҳам ёшим 70 га яқинлашиб қолган бўлса-да, диёрингизга келиб ўзимни анча бардам ҳис қилдим.

— Ниҳоят, менинг ҳам галим келганидан хурсандман, — дейди яна бир суҳбатдошимиз ҳазиллашиб. — Камина Тони Спитери, Тасмания ороланданман.

Ёшини 82 да деб айтган қария кўринишидан айни дамда анча қувноқ ва кайфияти ҳам шунга яраша кўтаринки эканлигини билиш қийин эмас эди.

— Асло ажабланманг, — деди у. — Ўзбекистонга келган ҳар бир кишининг кайфият барометри ўз-ўзидан юқорилаб кетар экан. Сабаби нимада дейсизми? Бу ердаги тинчлик, хотиржамлик, мусаффо осмон, тоза ҳаво. Бундай ёқимли об-ҳаво нафақат соғлиқ, балки руҳиятга ҳам ижобий таъсир ўтказаркан. Кундан-кун тетиклашиб, ёшараётгандекман. Қолаверса, халқингиздаги бир-бирига меҳр-оқибат, ҳурмат, оилалардаги ажиб инсоний фазилатларни кўриб, руҳиятим янада тетиклашди. Кексайиб, ёлғиз қолган мендек киши буни ҳаммадан кўра кўпроқ англаса керак.

Мана, бугун ҳам Тошкентдаги кўплаб диққатга сазовор манзиллар — Мустақиллик майдони, Бахтиёр она ҳайкали, Симпозиумлар саройи, Амир Темур хиёбонини айландик. Бозорларга бордик, у ердаги сархил меваю сабзавотларни кўриб ҳайратга тушдик. Миллий таомлардан татиб кўрдик.

Албатта, таассуротларим булар билан тугамайди. Ҳозир эса, кун тартибига кўра, ош марказига борамиз. Чунки ҳаммамизга палов ёқиб қолди. Кимдир бу таом кексаларга оғирлик қилади дейиши мумкин. Бўлмаган гап! Аксинча, ундан тановул қилган одам янада кучга тўларкан. Биз ҳам шундай қилишимиз керак. Ахир иложи борича бу гўзал маконда кўпроқ сайр қилиш, унинг халқи муҳаббатидан тўйиб қувват олиш асосий ниятимиз-да.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**тайёрлади.**

# Улкан муваффақиятлар, истиқболли режалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозир бўлимимиз томонидан ана шундай эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпмиз. Кексаларимизнинг кўнглига йўл топиб, уларнинг ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб турибмиз. Моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпмиз. Бу борадаги фаолиятимиз юксак эътибор ва рағбатга лойиқ кўрилмоқда. Жумладан, ўтган йили Президентимиз Фармонига биноан, "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирландим. Бу юксак мукофот янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундайди.

**Ҳасан НОРМУРОДОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

## Кўркам қишлоқлар жамоли

Йил боши сарҳисоб паллалари ҳисобланади. Шу маънода, ўтган 2012 йил биз, қурувчилар учун чинакам бунёдкорлик йили бўлди, десак, асло янглишмаймиз. Хусусан, ўтган йили жамоамиз билан Тошкент вилоятидаги бир қатор ижтимоий соҳа объектлари қурилишига баҳолиқудрат ҳисса қўшдик. Айни пайтда бинокорларимиз кучи билан қад кўтарган туманимиздаги агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ҳамда Янгийўл туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактабида ўғил-қизлар замонавий шароитларда таълим-тарбия олишмоқда. Бундан ташқари, яқинда туманимиздаги Пахта қишлоғи аҳли янги врачлик пункти хизматидан фойдалана бошлашди. Бу иншоотлар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиш баробарида, аҳолига қулайлик туғдираётганини ўйлаганда, тўғриси, қурилиш чарчоқларию машаққатлари ҳам унутилиб кетаркан. Ахир инсон учун орзулари рўёби, ўз меҳнатлари самарасини кўришдан ҳам ортиқ бахт борми дунёда?!

**Аҳмадали ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**қурувчи.**
Чиноз тумани

## Ҳамжиҳатлик пойдевори

Обод юртга байрамлар ярашади, дейишади. Ҳақ гап. Мана, Ўзбекистонимизда ҳар бир шодиёна кўтаринки руҳда нишонланади. Қолаверса, бундай қувончли кунларда турли миллат ва элат вакиллари билан дийдорлашамиз, концерт дастурларини намойиш этамиз. Хусусан, Янги — 2013 йилни ҳам ана шундай юқори кайфият билан қарши олдик. Байрам томошаларини уюштиришга ўз ҳиссамизни қўшдик. Айни пайтда марказимиз қошидаги "Ипташлар" ҳаваскорлик ансамбли жамоаси вилоятимиз ҳудудида ўтаётган турли қизиқарли томошалар, концерт дастурларида ўз чиқишлари билан томошабинларни хушнуд этаяпти.

Дарвоқе, Мустаҳкам оила йили марказимиз аъзолари учун ҳам эсда қоларли йил бўлди. Хусусан, миллий байрамимиз — "Сабантўй"ни Бухорода катта тантана билан ўтказдик. Шунингдек, ўтган йил ниҳоясида марказ фаоллари саъй-ҳаракати билан Алвина Бикаева ҳамда Рустам Икрамовларнинг никоҳ тўйини ўтказиб бердик. Базм дастурхони атрофида турли миллат вакиллари жам бўлишди. Ана шундай тантаналарда Ўзбекистонимизда барча миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаётганига, қадриятларимиз эъзоз топаётганига яна бир карра шукрона келтирдик.

**Камила ГАЛИМОВА,**
**Бухоро вилоят татар-бошқирд миллий маданий маркази раиси.**

## Инвестициявий лойиҳа рўёби

Якунланган йилда жамоамиз билан йирик бизнес лойиҳани амалга оширишга муваффақ бўлдик. Аниқроқ айтганда, банк кредити ва ўз маблағимиздан иборат 1,2 миллиард сўм инвестиция жалб этиб, бир кеча-кундузда 20 минг литр миқдордаги ичимлик сувини қадоқлаш технологиясини ишга туширдик. У фойдаланишга топширилиши билан "Учқўрғон кристалл" масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ ёшларидан 30 нафари учун иш ўринлари юзага келди. Қувонарлиси шундаки, бир ярим минг метр чуқурликдан тортиб олиб, бежирим идишларга қадоқлаётган экологик тоза, шифобахш сувимиз ўзига хос таъми ва сифати билан қисқа вақтда истеъмол бозорида муносиб ўрин топди. Обод турмуш йилидаги режаларимиз янада улуғвор. Фаолиятимиз қамровини кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиш — асосий масадимиз. Қолаверса, бу лойиҳа рўёби ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш имконини беради.

**Аҳмадали АҲМАДЖОНОВ,**
**хусусий тадбиркор.**
Учқўрғон тумани

## Меҳр-оқибат маскани

Маҳаллани меҳр-оқибат қўрғони, деб эътироф этамиз. Чунки хонадонлардаги тотувлик, оиладаги аҳиллик маҳалла муҳити билан чамбарчас боғлиқ. Хизмат юзасидан кўп хонадонларда бўламиз, одамлар билан суҳбатлашамиз, тарғибот ишларини олиб борамиз. Ана шу жараёнда фуқароларимизнинг тадбиркорлик орқали ҳам оиласига, ҳам эл-юрт тараққиётига ҳисса қўшиш иштиёқи билан яшаётганига гувоҳ бўламиз. Қишлоқ фуқаролар йиғинимиз мисолида айтадиган бўлсак, ҳозир ҳудудимизда 24600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Деярли ҳар бир оила ўзига хос тадбиркорлик билан машғул. Уларда янгиликка интилиш, яратувчанлик кайфияти юқори. Бу эса хонадонларга барака олиб кириб, турмуш даражаси юксалишида муҳим омил бўлаяпти. Шу сабабли, ўтган Мустаҳкам оила йилида иш тажрибамиз оммалаштиришга лойиқ деб топилди: "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг республика босқичида ғолибликка эришдик. Айни пайтда аҳоли турмушини янада обод қилиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар ижросига киришдик. Бунда тадбиркор ҳомийларимиз бизнинг энг яқин ҳамкоримиз бўлишаяпти.

**Умар ЖЎЛБУЛОВ,**
**Чироқчи туманидаги «Кўкдала» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**



Шуҳрат ШАРАПОВ олган сурат.

*Айём завқи.*

Қашқадарё томонларда

## Экспорт ҳажми ошмоқда

***Қарши шаҳридаги "Cotton Road" қўшма корхонасида тўқиш зичлиги жуда юқори бўлган нафис газлама ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун корхонага Италия, Ҳиндистон ва Хитойдан зарур технологик дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Шунингдек, мавжуд технологиялар такомиллаштирилди.***

— Бу каби ўзгаришлар туфайли маҳсулотларимизга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда, — дейди корхонанинг экспорт ва импорт бўлими бошлиғи Сардор Ҳасанов. — Айниқса, эркаклар ва болалар футболкалари, кўйлаклар, қишки кийимлар ҳамда аёллар либосларига хориждан буюртмалар кўпаймоқда. Хусусан, жорий йил бошидан буён Польша, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларга қарийб 3 миллион АҚШ долларлик экспорт амалиётларини бажардик.

Пахта толасини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини ўзида мужассам этган мазкур корхонада айни пайтда 800 нафар ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

## Илғор технология асосида

***Китоб туманидаги "Севаз табиий шарбатлари" шўъба корхонасида замонавий технология асосида махсар ёғи ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.***

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ноёб экинлардан бири саналган махсар озиқ-овқат ва енгил саноат учун камёб хом ашё ҳисобланади. Ундан лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам кенг фойдаланилади. Кунжараси эса чорва моллари учун тўйимли озуқа бўлиб, донидаги ёғ миқдори 31,6 фоизни ташкил этади.

Корхона раҳбари Алишер Бойқораевнинг таъкидлашича, йилига 120 тонна махсар ёғи тайёрлаш қувватига эга бўлган янги цехнинг ишга туширилиши эвазига ўнга яқин қўшимча иш ўринлари яратилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Яхши хабар

*Янгиер шаҳрида "Astro Neyromed" хусусий диагностика даволаш маркази иш бошлади. Ушбу мажмуани бунёд этиш ҳамда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлашда банкдан олинган 200 миллион сўмлик кредит қўл келди.*

## Тиббий марказ иш бошлади

— Ҳозир неврология, урология, терапия, гинекология касалликларини даволашни йўлга қўйдик,— дейди марказ бош шифокори Жамшид Жабборов. — Шунингдек, клиникамизда қоннинг клиник ва биохимик таҳлиллари, ва ультратовуш диагностикаси каби муҳим амалиётлар хорижнинг энг илғор ускуналари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Умуман, ўтган йил давомида вилоятдаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 123 миллиард сўмликдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ташаббусларимиз қўллаб-қувватланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозир ўн нафар доимий ишчидан ташқари яна 50 нафар қишлоқ ёшларига "устоз-шогирд" анъаналари асосида ҳунар ўргатяпман. Қолаверса, Республика Савдо-саноат палатаси таклифи билан махсус бизнес-режа асосида бошқа вилоятларда ҳам тол новдасидан уй-рўзғор буюмлари тўқишни йўлга қўйиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Жиззах вилоятларида маҳорат сабоқлари ташкил этдик. Бу эса тадбиркорлик фаолиятининг ушбу тури билан шуғулланувчи аёллар сафининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этди.

Шунга амин бўлдимки, инсон аниқ мақсад билан интилса, аввало, ишида унум, рўзғорида барака бўларкан. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бизнинг мақсадимиз битта — мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшишдир.

**Зарифа БАҲОДИРОВА,**
**Оҳангарон туманидаги «Покизахон» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари.**

# Осойишталигимизнинг мустаҳкам кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Дарс жараёнлари компьютер ҳамда мультимедиа воситалари, инновацион, замонавий педагогик технологиялар кенг қўлланилган ҳолда олиб борилаётгани тингловчиларнинг стратегик ва тактик жиҳатдан малакаларини оширишга, мураккаб вазиятларда ҳам тезкор ҳамда аниқ қарорлар қабул қилиш лаёқатини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Академиядаги зарур инвентар ва тренажёр воситалари билан жиҳозланган спорт зали, гимнастика шаҳарчаси, минифутбол, волейбол ва баскетбол майдонлари, теннис корти тингловчилар ихтиёрида.

Маълумки, шахсий таркибнинг маънавий салоҳиятини оширишда кутубхонанинг аҳамияти беқиёс. Академиянинг зиё масканида 20 мингга яқин китоб фондига эга.

Шу билан бирга, йил давомида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашув ҳамда суҳбатлар ташкил этиш, давлат ҳокимияти институтлари фаолияти билан яқиндан танишиш, пойтахтимиздаги музейлар, театрлар, бадиий кўргазмаларга саёҳатлар уюштириш анъанага айланганини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

— Мана шундай билим даргоҳи тингловчиси эканлигимдан фахрланаман, — дейди "Жасорат" медали соҳиби, офицер Неъматжон Абдусафоев. — Бу ерда амалий ва назарий билимларни янада мустаҳкамлаш, илғор тажрибаларни ўрганиш имкониятлари етарли даражада. Замонавий қулайликларга эга турар жой билан таъминланганимиз, моддий-маиший таъминот ҳам бекаму кўст. Шундай эътиборга муносиб жавоб қайтариш, аввало, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни сидқидилдан адо этиш, тинчлик ва осойишталигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зиммамиздаги улкан масъулият эканлигини теран англаймиз.

Хулоса ўрнида айтганда, Қуролли Кучлар Академияси асл мардларни тарбиялайдиган нуфузли маскандир. Ўғлонларимиз бу ерда тобланиб, кучли билим, мустаҳкам ирода, энг муҳими, ўз ишининг етук мутахассислари бўлиб етишишларига шак-шубҳа йўқ.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес — ободлик гарови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури асосида қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, шу орқали оилавий бизнеснинг қонунчилик асоси яратилиб, тадбиркорликни юритишда юзага келган миллий анъаналаримиз ва хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига мос келадиган ҳуқуқий кафолат кучайтирилди. Натижада оилавий бизнеснинг жадал ривожланиши ва янги иш ўринлари яратилишини таъминлаш асосида аҳоли турмуш даражаси янада юксалишига эришилди. Буни маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар самараси мисолида ҳам кўриш мумкин.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди маълумотларига кўра, ўтган йили республикамизнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида, маҳаллаларида тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳамда ривожлантириш мақсадида 9 мингдан зиёд турли тарғибот тадбирлари ўтказилган. Эътиборлиси, ушбу изланишлар боис фаолиятнинг мазкур тури билан шуғулланмоқчи бўлган юртдошларимиз сони сезиларли даражада ошди. Йил давомида Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан 4 минг 400 га яқин фуқарога кредит олишга кўмаклашилгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

— Ўтган йилда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнеснинг кенг кўлами йўналишларидан бири — хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган натижалар, айниқса, эътиборга лойиқ, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Гавҳар Алимова. — Аниқроғи, ҳудудлар имкониятлари ва аҳоли қизиқишларидан келиб чиқиб, жуда кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинларида новвойлик, сартарошлик, дурадгорлик, кулолчилик, косиблик, тикувчилик, касаначилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги каби ҳунармандчилик турлари йўлга қўйилди. Натижада юзлаб фуқароларни, хусусан, ёшларни ўз маҳаллаларида иш билан таъминлаш имкони яратилди. Масалан, Жиззах вилоятида шу йўналишда 10 мингдан зиёд, Фарғонада 26 мингга яқин, Наманганда эса 16 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Обод турмуш йилида олдимизда турган вазифалар бундан-да улкан. Хусусан, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириб, оилалар, маҳаллалар, қисқача айтганда, юртимизни янада обод, фаровон қилиш талаб этилади. Зеро, обод ҳаёт деган тушунча, Юртбошимиз айтганидек, азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида, авваламбор, фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ҳамда юрт тинчлигидек, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

— Ўтган йили маҳалламизда тикувчилик цехини ишга тушириш орқали 10 га яқин кишини иш билан таъминлашга кўмаклашдик, — дейди Учтепа туманидаги "Корёғди" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Мирзаев. — Шу билан бирга, 3 та оиланинг микрокредит олишига ёрдамлашдик. Ҳозирга қадар улардан бири эшик-ром ишлаб чиқаришни, яна бири қандолатчиликни йўлга қўйди. Обод турмуш йилида бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида пухта ҳозирлик кўрдик. Яъни ҳудуддаги оилалар имконият ва қизиқишлари билан яқиндан танишиб, тадбиркорлик қилмоқчи бўлган 12 та оилага кредит олишларига кўмаклашишни бу йилги режамизга киритдик.

Юртимиз маҳаллаларида оилавий бизнеснинг асосий йўналишларидан ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ҳам тобора ривож топиб бораяпти. Чунончи, бугун республикамиздаги 4 миллиондан ортиқ оилалар ихтиёрида 495 минг гектар ер бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми ана шу томорқаларда етиштирилаётир.

Шу билан бирга, оилаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнеснинг чорвачилик йўналиши ҳам кенг оммалашмоқда. Аҳоли хонадонларида 7 миллиондан ортиқ қорамол парваришланаётгани шу нуқтаи назардан бежиз эмас. Муҳими, бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида, ўтган йили "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури асосида Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари саъй-ҳаракати билан 1874 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол, 3300 дан ортиқ оилага 66 мингдан зиёд парранда олиб берилди.

Умуман олганда, Мустаҳкам оила йилида Фонд томонидан жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятларини рўёбга чиқариш, айниқса, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Янги йилда эса бу йўналишдаги ишлар яна бир поғона юксалади. Зеро, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес хонадонларимиз фаровонлиги ҳамда юртимиз ободлиги гаровидир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Навоий вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ФИБ Кармана туманлараро судининг 2011 йил 4 августдаги 4310/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Навоий шаҳри, 2-даҳа, санитар ҳимоялаш зонаси ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 829,18 кв.м., ишчи майдони 761,43 кв.м., 16 хонадан иборат бўлган А, А1 литердаги «Шодлик» савдо дўкони биносининг бир қисми такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 24 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 22 январь куни соат 18.00.

Шунингдек, 20013 йил 8 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2012 йил 17 сентябрдаги 21-1206/8111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Турон» МТП МЧЖга тегишли, Кармана тумани, «Уйрот» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 1844,88 кв.м., умумий майдони 1181,94 кв.м. бўлган икки қаватли маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 161 249 713 сўм.***

Савдоларга қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 6 февраль куни соат 18.00.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси 1-қават. Телефон: (8-436) 224-44-01, 224-15-61. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz.**

20R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 13 майдаги 19-1003/3844-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, «Шўроб» ҚФЙ, Янгиобод маҳалласида жойлашган, «Кампиртепа қўрғони» ММТПга тегишли, умумий майдони 44100 кв.м. бўлган, 1 ва 2 қаватли хирмонжой, маъмурий ва хўжалик бино-иншоотлари (А, Б, В, Г, а, б, в, г литерларда жойлашган маъмурий бино, омборхона, икки қаватли қоровулхона, тарозихона биноси, тўсиқ девор, темир дарвоза, қаттиқ қопламали асфальт майдони, автомобиль тарозиси 30 тонна) мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 558 198 207 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 8 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 6 февраль куни соат 18.00.

Шунингдек, 2013 йил 25 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 3 сентябрдаги 19-2424-2929-сонли, 2012 йил 10 августдаги 19-0906/5591-сонли, 2010 йил 26 февралдаги 19-1003/2295-сонли, 2012 йил 3 майдаги 19-1002/5512-сонли, 2010 йил 8 ноябрдаги 19-1006/13585-сонли, 2011 йил 11 октябрдаги 19-1103-07/11837-сонли, 2010 йил 8 ноябрдаги 19-1006/7-13585-сонли, 2008 йил 15 декабрдаги 19-0605-9-5626-сонли, 2011 йил 11 октябрдаги 19-1103-07/11837-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, «Учқизил» ҚФЙ, Паррандачилик маҳалласида жойлашган, «Учқизил моддий-техника таъминот» МЧЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Умумий фойдаланиш майдони 622,82 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 22 хонадан иборат А литердаги таъмирталаб маъмурий бино 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 121 127 184 сўм.***

**2.** Умумий фойдаланиш майдони 27,32 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 2 хонадан иборат, Б литердаги таъмирталаб қоровулхона биноси 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 6 704 399 сўм.***

**3.** Умумий фойдаланиш майдони 319,20 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат, М литердаги таъмирталаб иссиқхона 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 14 119 243 сўм.***

**4.** Умумий фойдаланиш майдони 41,89 кв.м. бўлган, Р литердаги таъмирталаб бостирма биноси 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 1 996 282 сўм.***

**5.** Умумий фойдаланиш майдони 318,60 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат, С литердаги таъмирталаб омборхона биноси 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 28 389 447 сўм.***

**6.** Умумий фойдаланиш майдони 387,28 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат, Ё литердаги таъмирталаб омборхона биноси 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 40 941 202 сўм.***

**7.** Умумий фойдаланиш майдони 274,56 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат, З литердаги таъмирталаб бостирма биноси 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 13 084 253 сўм.***

**8.** Умумий фойдаланиш майдони 291,60 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат, К литердаги таъмирталаб бостирма 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 10 631 844 сўм.***

**9.** Умумий фойдаланиш майдони 360,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат, Е литердаги таъмирталаб бостирма 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 14 313 750 сўм.***

**10.** Умумий фойдаланиш майдони 60,80 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 3 хонадан иборат, Л литердаги таъмирталаб омборхона биноси 5 фоизга арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 7 658 966 сўм.***

Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2009 йил 9 декабрдаги 2-144-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 26-уй, 48-хонадонда жойлашган, умумий майдони 68,7 кв.м., 2000 йилда қурилган, 3 хонадан иборат яшаш уйи 5 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 18 467 316 сўм.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 23 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Тел.: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

18R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

## «FARG‘ONA MULK MARKAZI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «1-сонли кўчма механизациялаштирилган карвон» Х/Кда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «SINJF SWZ10 HOWO» русумли, давлат рақами 15 AN 781, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 163 904 832 сўм.***

**2.** «SINJF SWZ10 HOWO» русумли, давлат рақами 15 AN 945, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 163 904 832 сўм.***

**3.** «DON FENBG DFL3310AI» русумли, давлат рақами 15 AN 898, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 176 913 152 сўм.***

**4.** «SGZ3251 DEL» русумли, давлат рақами 15 AN 876, 2008 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 176 913 152 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 8 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман (шаҳар) суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 6 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «FARG‘ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг Давлат-тижорат Халқ банкининг Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-70. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz**

19R/12


## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

*(ҚҚС билан)*

**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

11R/97


*Кичик бизнес ташкилотлари раҳбарлари диққатига!*

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

### ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан сўмда | Бошланғич нархи ҚҚС-сиз сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|---|
| Лот-18/1. | Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Пешқўрғон» ҚФЙ, «Тўпқайрағоч» МФЙда 10 та тураржой биносига ташқи сув таъминоти қурилиши | 116 522 700 | 97 102 250 | 60 кун |
| Лот-18/2. | Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Сарой» ҚФЙ, «Сарой» МФЙда 10 та тураржой биносига ташқи сув таъминоти қурилиши | 220 140 700 | 183 450 583 | 90 кун |
| Лот-18/3. | Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Гулистон қишлоғи, «Зарбдор» ҚФЙда 12 та тураржой биносига ташқи сув тармоғи қурилиши | 144 464 601 | 120 387 168 | 60 кун |

***Буюртмачи:*** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.

Телефонлар: (8-369) 226-22-60, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

***Диққат!*** 500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берадиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.**
**Тел./факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.**

*Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**
**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталарни очилиш куни ва соати.**

**Таклифлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.**

17R/04

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 22 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон тумани, Амир Темур СИУ, «Зарбдор» ҚФЙ ҳудудидаги, умумий ер майдони 570,0 кв.м.да жойлашган уй-жой бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 325 432 079 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 8 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 6 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

21R/1441

*Лицензия: RR-0001.*


## САНОАТ КОРХОНАСИ



**нострандарт жиҳозларни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадасини,**

**шунингдек, умумий қурилиш ишлари бўйича иш юритувчи (прораб)ларни,**

**электргаз пайвандчиларни ва умумий қурилиш ишчиларини**

**доимий ишга таклиф қилади.**

- **Иш ҳақи — ишбай, тўлов ўз вақтида амалга оширилади.**
- **Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.**
- **Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.**

**Мулоқот учун телефонлар:**
**(8-371) 241-10-81, 241-29-94, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.**

**Ўзингиз ҳақингизда маълумотларни қуйидаги электрон манзилга жўнатишингиз мумкин: d_kolov @ mail.ru**

02A/1346

## ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ!

ЯНГИ ЮК МАШИНАСИ «HYUNDAI HD 260»

Омборхонадан 20% чегирма!

*«HYUNDAI MOTOR COMPANY» (Жанубий Корея)*

**Юк кўтариши — 18 тонна.**
**Двигатель қуввати — 340 от кучига эга (Евро-2).**
**Кузов габаритлари — 7000x2300x450.**
**Маҳсулот сертификатланган (№ 0721254).**



**Телефон: (+99890) 973-39-86.**
**Тел./факс: (+99871) 120-07-21, 120-07-23.**

*Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота кўчаси, 3-уй.*

2104A/1437

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

## СОТАМИЗ:

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.**
**e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com**

836R/566


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алига укаси

**Рустам АҲМАДҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси “Ахборот” информацион эшиттиришлар муҳарририяти муҳаррир-таржимони Толиб Тўрақуловга падари бузруквори

**БОЗОР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти ректорати ва касаба уюшмаси Магистратура бўлими бошлиғи Ҳабибулла Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси

**РАҲИМАХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзкоммунўқувташкилотчи” республика маркази жамоаси бош мутахассис Абдуназар Абдуваҳидовга турмуш ўртоғи

**Нурия АБДУВАҲИДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Кенг имконият, тезкор хизмат

*Жамият маънавий ҳаётида, айниқса, ёшларнинг дунёқараши, тафаккури, билимини оширишда кутубхонанинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис бугунги кунга келиб, ушбу зиё масканларининг вазифаси ҳамда имкониятлари кенгайтирилиб, моддий-техник базаси яхшиланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона маркази фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.*

## Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида ишга тушган мазкур Марказнинг фонди ўтган йилда 201673 тани ташкил этди. Улардан 199484 нусхаси турли фан соҳаларига, 2100 таси 45 та йўналиш бўйича электрон китоблар, қолганлари эса газета ва журналлардан иборатдир. Бу ерда фойдаланувчилар учун 160 ўринли 3 та ўқув зали мавжуд бўлиб, анъанавий ҳамда электрон базалар ёрдамида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Бундай қулайлик мижозлар сони йилдан-йилга кўпайишига хизмат қилаяпти.

— Мен икки йилдан буён ушбу Ахборот-кутубхона марказига қатнайман, — дейди Гулистон давлат университети талабаси Малика Мансурова. — Бу ерда ўзимга керакли манбаларни топиш жуда ҳам осон. Бундан ташқари, компьютерда дарсликларнинг электрон нусхаси билан танишиш имконияти ҳам мавжуд. Биз, ёшлар яратилаётган мана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз зарур, деб ўйлайман.

Таъкидлаш керакки, ушбу даргоҳ вилоятдаги барча турдош муассасалар учун услубий марказ ҳисобланади. Ҳар йили ахборот-кутубхоначилик фаолияти, яъни ахборот-библиография, ахборот технологиялари, ахборот ва кутубхоначилик ишларини каталоглаштириш ҳамда ишлов бериш, ҳужжатларни сақлаш, бутлаш, фойдаланувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича ўқув-семинар машғулотлари ўтказилмоқда.

Бугунги кунда АКМнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, зарур замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган.

— Президентимизнинг "2011 — 2015 йиллар учун ахборот-коммуникацион технологиялар базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизмат кўрсатишни кейинчалик сифатли ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида АКМда йиғма электрон каталог секторини ташкил этдик, — дейди марказ директори Алижон Бойматов. — Бу ерда малакали мутахассислар иш олиб бормоқда. Секторда АКМнинг босма нашрлар электрон нусхаларини, жумладан, ўлкашунослик фондини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб, электрон ресурс фонди 18000 тани ташкил этди. Асосий мақсадимиз, вилоятнинг йиғма электрон каталогини яратиб, республиканинг ягона каталогига киритишдан иборат. Шу билан бирга, шаҳар ва туманлар ахборот-ресурс марказларига электрон каталоглар яратиб бериш борасида ҳам кўмаклашаяпмиз. Натижада мижозларимиз кенг қулайликларга, жумладан, интернет орқали бошқа мамлакатлардаги кутубхоналардан ахборот олиш имкониятларига ҳам эга бўлаяптилар.

Кутубхона фаолиятини янада яхшилашда "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши ахборот-кутубхона муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш, фондини тўлдириш, ҳисобга олиш, сақлаш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англатишда қўл келмоқда. Қолаверса, мазкур ҳужжатда жисмоний имконияти чекланганларнинг махсус манбалардан, ихтисослаштирилган техник воситалардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам кафолатланган.

Мухтасар айтганда, Марказда аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча зарур имкониятлар яратилаяпти. Бу эса маърифат хазинасини бойитибгина қолмай, талаба-ёшлар, кенг жамоатчиликнинг вақтдан унумли фойдаланишига хизмат қилмоқда.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Анъана

*Ҳар бир миллат ўзига хос қадриятлар, урф-одатлар, анъаналари билан бир-биридан фарқ қилади. Миллий либослар ҳам ана шу ўзликнинг бир бўлагидир. Истиқлол туфайли урф-одат ва анъаналаримиз билан бир қаторда, миллий либосларга бўлган муносабат ўзгарди. Муҳими, бугунги кунда юртимиз дизайнерлари ҳам халқаро мода оламида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бормоқда.*

# Шарқона либослар сеҳри

Бунда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ташкил этилаётган халқаро тадбирлар, хусусан, "Art Week Style.Uz" санъат ҳафталигининг ўрни беқиёс аҳамият касб этаяпти. Чунки мазкур анжуман сабаб мутахассисларимиз дунё мода оламида кечаётган янгиликлар, шунингдек, жаҳоннинг машҳур дизайнерлари фаолияти билан танишиш, улар иштирокидаги "Маҳорат сабоқлари"да қатнашиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Жумладан, бизнинг "Шарқ либослари" дизайн марказимиз мутахассислари ҳам ушбу анжуманнинг фаол иштирокчиси саналади.



"Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси қошида ташкил этилган бу марказ аҳолининг эҳтиёж ва талабларини инобатга олган ҳолда, енгил саноат буюмларини истиқболли моделлаштириш ва халқаро миқёсда эътироф этилган етакчи марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишни кўзда тутган. Ўтган қисқа даврда Марказимиз истиқболли режаларни амалга ошириб келмоқда. Чунончи, бир қатор танлов ва санъат ҳафталикларида, хусусан, "Болажонлар — ширинтойлар", "Баҳорги дефиле" тадбирларида мавсумий кийимлар коллекцияси билан иштирок этдик. Шунингдек, жорий йилда "Фонд Форум" томонидан ташкил этилган "Асрлар садоси" фестивали фаолиятимизни халқаро миқёсда намойиш этишимиз учун айни муддао бўлди.

Марказимизда "Устоз — шогирд" анъаналари яхши йўлга қўйилган. Хусусан, Олмазор саноат касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда иш юритамиз. Мазкур коллеж ўқувчилари томонидан яратилаётган миллий ва замонавий услуб уйғунлигидаги либосларни кўриб, очиғи, ҳавасимиз ортади. Нияти қатъий, дунёқараши кенг, фикри теран бу ёшларимиз жаҳон мода саноатида ўз услубларини яратиш борасида тинимсиз изланмоқдалар.

Ишончимиз комилки, Марказимизда миллийлик ва замонавийлик уйғунлигида тикилган либослар келажакда дунё подиумларига чиқади. Зеро, барча соҳада жаҳон эътиборини ўзига қаратаётган Ўзбекистонимиз мода ва дизайн йўналишида ҳам муносиб эътироф этилади, албатта.

**Искандар ХОЛМИРЗАЕВ,**
**«Шарқ либослари» дизайн маркази директори.**




## Самарали тадқиқот

**Мамлакатимизда пахта хом ашёсини самарали қуритувчи тежамкор ускуна яратилди.**

Мазкур қурилма Фарғона давлат университети олимлари ва Фарғона пахтани қайта ишловчи тажриба-экспериментал заводи муҳандислари томонидан икки йил мобайнида синовдан ўтказилди. Баландлиги 2,5 метр, эни 1,5 метр, узунлиги 7,5 метрни ташкил этувчи ушбу ноёб ускуна айни пайтда Фарғона экспериментал пахта заводида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Экспериментал қурилмада ўтказилган тадқиқотлар энергия сарфи 9,4 марта камайганини кўрсатди. Анъанавий технологияда бир тонна пахта хом ашёсининг намлигини 6 фоизга тушириш учун 29 кг. солярка ва 185 кВт. электр қуввати сарфланади. Керамика қўлланганда эса электр энергияси сарфи 2-3 марта камайиб, суюқ ёқилғи умуман талаб этилмайди. Бу усулда кимёвий дорилар қўлланилмайди. Қайта ишловнинг кейинги босқичи учун пахта намлигини ўрта ҳисобда 17 дан 8,5 фоизгача тушириш зарур. Янги услуб катта энергия сарфламай 7-8 фоизгача намликни қуритиш ҳамда пахтани узоқ муддатга сифатли сақлаш имконини беради.

Бу технологиянинг яна бир афзаллиги, унда қуритилган чигит ерга экилса, ҳосилдорлик 1,5 центнерга ошади. Пахта эса беш кун эрта пишади. Қолаверса, ўсимликнинг касалликка бардошлилиги ва совуққа чидамлилиги ортади.



## Мелиорация ва тежамкорлик

**Тошкент ирригация ва мелиорация институти олимлари кузги буғдой етиштириш учун шўр ювиш ҳамда тупроқ қатламида сув захирасини ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқишди.**

Мазкур янгилик сув танқислиги таъсирининг олдини олиш, қиш-баҳор даврида етарли миқдорда сув тўплаш ва бунинг ҳисобига суғоришлар сонини камайтириш ёки 800-900 метр куб сувни тежаш имконини беради.

Ишланма тупроғи шўрланишга мойил фермер хўжаликларида жорий этишга тавсия қилинади. Бу технология Сирдарё, Жиззах ва Бухоро вилоятларида синовдан муваффақиятли ўтди. Натижада ҳар гектар ердан бир миллион сўмгача иқтисодий самарадорликка эришилди.

**Илёс РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари, физика-математика фанлари доктори.**

# Ёшларимиз учун дастлабки синов

*2013 йилнинг 17 — 25 январь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида футбол бўйича навбатдаги "Ҳамдўстлик Кубоги" баҳслари ўтказилади.*

## Футбол

Мазкур мусобақада 12 мамлакат — Ўзбекистон, Литва, Латвия, Беларусь, Украина, Эстония, Молдова, Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ёшлар терма жамоалари совринли ўринлар учун кураш олиб боради.

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан маълум қилинишича, турнирда юртимиз шарафини Ўзбекистон ёшлар (U 20) терма жамоаси ҳимоя қилади. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки 2013 йилда Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги мазкур жамоамиз жаҳон чемпионатида иштирок этади. Мундиалда муносиб қатнашиш учун пухта ҳозирлик кўриш талаб этилади. Бунда "Ҳамдўстлик Кубоги" каби мусобақалар муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам турнирга ёшларимизни жўнатишга қарор қилинган.

Қуръага кўра, вакилларимиз мусобақанинг "B" гуруҳидан жой олдилар. Улар плей-офф йўлланмаси учун Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон ёшлар терма жамоаларига қарши кураш олиб борадилар.

Ҳамюртларимиз биринчи турни 18 январь куни мезбонларга қарши ўтказишади. Орадан икки кун ўтиб эса футболчиларимиз қозоғистонлик тенгқурлари билан куч синашадилар. Гуруҳдаги сўнгги учрашув 21 январь куни қирғизистонлик ёш футболчиларга қарши бўлиб ўтади.

Мусобақа регламентига кўра, ҳар бир гуруҳдан биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритган жамоалар ҳамда энг яхши натижа қайд этган яна иккита учинчи ўрин соҳиблари плей-офф босқичида курашни давом эттиради.

Эътиборга молик жиҳати, турнирда фақат Ўзбекистон йигирма ёшгача бўлган футболчилар билан қатнашади. Қолган жамоаларда эса бу кўрсаткич йигирма бир ёшни ташкил этмоқда.

Вакилларимиз мусобақага тайёргарликни 8 — 15 январь кунлари Тошкентда ўтказадилар.

**Ф. ИБРАГИМОВ тайёрлади.**

## Таомлар фестивали

### Танлов

*Самарқанд шаҳрида "Самарқанд таомлари", "Миллий ширинликлар ва қандолат маҳсулотлари" ҳамда "Самарқанд нонлари" кўрик-танловлари бўлиб ўтди.*

Унда вилоятнинг моҳир ошпаз ва қандолатчилари, қўлигул новвойлари ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар билан иштирок этди. Самарқанд нонлари ва ширинликлари ҳамда миллий таомларимиз нафақат ҳакамлар ҳайъати, балки вилоят аҳли ва хорижлик меҳмонлар томонидан ҳам холис баҳолаб борилди.

Айниқса, "Миллий таомлар" танлови барчада катта таассурот қолдирди. Кўрик иштирокчилари томонидан тайёрланган тансиқ егуликлар ўзига хослиги, тўйимли ва ранг-баранглиги билан йиғилганлар эътирофига сазовор бўлди. Уста ошпазлар пиширган турфа хил таомлар меҳмонларга улашилди.

Якунда ҳар бир йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО

**(8 январь)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикасида | -8 -13 | -2 -7 |
| Хоразм вилоятида | -4 -9 | +2 +7 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | 0 -5 | +7 +12 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | 0 -5 | +5 +10 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | -3 +2 | +7 +12 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -5 -10 | -3 +2 |
| Тошкент шаҳрида | -2 -4 | +8 +10 |

Реклама ўрнида




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 758 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5